

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент
шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро
судига

Аризачи: Жумабоева Ирода Темировна
25.03.1990 й. т., Тошкент ш., Яккасарой
туман, Аскарлар кўчаси, 1Б-уй
Тел. _____

Қарздор: Болтаев Адхам Тешаевич,
30.12.1986 й. т., Тошкент ш., Юнусобод
тумани, 15-мавзе, 40-уй, 25-хонадон
Тел. _____

АРИЗА
(алимент ундириш ҳақида суд буйруғи)

Менинг қарздор Болтаев А.Т. билан ўртамиздаги никоҳимиз Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ФХДЁ идораси томонидан 26.01.2010 йил № 108-сон билан қайд этилган. Турмушимиздан икки нафар вояга етмаган 10.10.2010 йилда туғилган Болтаева Чиннихон Адхам қизи ва 11.11.2014 йилда туғилган Болтаев Суръат Адхам ўғли исмли фарзандимиз бор.

Қарздор менга моддий томондан ёрдам бермай келмоқда, фарзандлари саломатлиги ва тақдири ҳақида ўйламайди, қизикмайди.

08.08.2015 йилдан фарзандларим билан ота-онамнинг уйида истиқомат қилиб келмоқдаман. Ҳозирда фарзандларимиз тарбияси билан шуғулланиб келмоқдаман. Кичик фарзандим уч ёшга тўлмаганлиги сабабли, ишга кира олмаяпман. Ота-онамдан моддий ёрдам ола олмайман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 95, 96, 136 – моддаларига асосан,

СУДАН:

Қарздор, 30.02.1985 й. да туғилган, Болтаев Адхам Тешаевичдан вояга етмаган 10.10.2010 йилда туғилган фарзандимиз Болтаева Чиннихон Адхам қизи ва 11.11.2014 йилда туғилган Болтаев Суръат Адхам ўғли таъминоти учун унинг ҳар ойлик иш ҳақи ва барча даромадларидан 1/3 қисми миқдоридан вояга етгунга қадар алимент ундириш ҳақида суд буйруғи қабул қилишингизни сўрайман.

Илова:

- 1) ариза нусхаси;
- 2) туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- 3) паспорт нусхалари;
- 4) никоҳ тузилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси.

_____ **Жумабоева И.Т.**

(имзо)